



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (12.051)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Йил аёли – 2011»

### ТАШАБУСКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

«Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Йил аёли – 2011» аънавий республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси соғлом оилани шакллантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳ-

нат шароитини янада яхшилаш, илгор гоё ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишга оид қўллаб-қўрғатиларни амалга оширмоқда. Аънавий «Йил аёли» миллий танлови маънавий-маърифий, хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган фаол ва изланувчан аёлларни аниқлаш, фаолиятини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танлов жараёнида иштирокчиларнинг ўз соҳаларида эришаётган ютуқлари, ёшларни ватанпарварлик, миллий аънава ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ишига, жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси, ижтимоий фаолиги, изланувчанлигига алоҳида эътибор қаратилди.

«Нурафшон-НУР» хусусий корхонаси раҳбари Муҳаббат Тошмухамедова «Йил аёли – 2011» республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи голибаси деб топилди.

– Корхонамиз ташкил этилганига беш йилдан ошди, – дейди М.Тошмухамедова. – Турли соҳалар вакиллари учун махсус иш кийимларини тикиш билан шуғулланамиз. Корхонамизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини «Устоз-шогирд» лойиҳаси бўйича ишга жойлаштиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган эътибор корхонамиз эришаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

### «THE SUNDAY INDIAN»:

## «ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ОСИЁНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ БЎЛГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

Ҳиндистонда чоп этиладиган нуфузли ҳафталик нашрлардан бири - «The Sunday Indian» журнали саҳифасида ўзбек халқининг мустақиллик йилларидаги маданий ва маънавий қадриятлари ривож мавзусига бағишланган «Миллий маданиятнинг қайта тикланиши: Ўзбек модели» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

«Ҳеч бир миллат ўз тили, дини, маданияти, аънавалари ва адабиётини асраб-авайламадан яшай олмайди, деб ёзади журнал. Бу жиҳатни теран англаш мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистоннинг маданият соҳасидаги сиёсатининг марказида бўлди ва бундан кейин ҳам шундай давом этади.

Ўзбекистон ўзининг мўъжизавий гўзалликка эга бўлган кўҳна Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива каби тарихий шаҳарлари, ноёб маданияти, аънава ва урф-одатлари билан доимо Ўрта Осиёнинг маданий, диний ва маънавий маркази сифатида танилиб келган.

Ҳинд наشري Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг мустақил ички ва ташқи сиёсати асосларини яратгани ва уларни изчил ҳаётга татбиқ этгани, аҳолисининг диний жиҳатдан бағрикенглик қарашлари туфайли дунё мамлакатлари ўртасида ўз эътиборини топангига алоҳида эътибор қаратади.

«Мустақиллик Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити ҳамда Наврўз сингари байрамларни давлат миқёсидаги байрамлар, деб эълон қилишга имкон бердики, улар бутун мамлакатда кенг миқёсда нишонланади. Шунингдек, мустақиллик халққа ўз диний удумларини адо этишга, хусусан, ислом динининг муқаддас қадамжоларини зиёрат этишга ҳам имконият яратди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатда ўзбек халқининг Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин

Нақшбандий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк сиймоларининг номлари қайтадан кашф этилди. Мазкур улуг мутафаккирлар қаламига мансуб кўплаб асарлари нашр этилди ва улар ўзбек халқининг тарихий мероси тўғрисидаги билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшилишига хизмат қилади», деб ёзади ҳинд наشري.

Мустақиллик йилларида мамлакат маданий ҳаётидаги муҳим саналарга оид воқеалар хусусида хабар берад экан, «The Sunday Indian» Ўзбекистонда буюк аждодлар юбилейлари кенг миқёсда нишонланиши яхши аънавага айланиб қолганини қайд этади.

Журнал хабар берганидек, «Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган мамлакат маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бунга қўшимча равишда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда минглаб тарихий масканлар, ёдгорликлар ҳамда дунёга танилган аллома ва мутафаккирларнинг мақбаралари қайта тикланди, таъмирланди ва обод этилди. Бугунги кунда уларнинг барчаси зиёратгоҳларга айланиб қолганки, улар бутун дунёдан диншуносларни, олимлар ва сайёҳларни ўзига жалб этмоқда».

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонуннинг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда депутатлар, олимлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

#### ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жаҳон андозалари ва ривожланишининг асосий тамойилларига тўла мос келадиган давлат кадастрлари тизими шаклланишини таъкидлади. 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда 21 соҳа кадастри мавжуд. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Кейинги йилларда соҳада замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, геоахборот тизимлар яратиш бўйича халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш ва уларни амалда қўллаш-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай изланишлар самарасида мутахассислар томонидан мамлакатимиз бўйича рақамли картографик асос яратилди ва ундан бarcha тармоқларда самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ер ресурслари, табиий бойлиқлар ва бошқа моддий ҳамда маданий захиралардан барқарор фойдаланишга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида соҳада мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадастр иншоотларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни тезкор ахборотлар ҳамда янгиликлар билан таъминлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Тадбирда «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган меъёрларни ҳаётга тўла татбиқ этишнинг ижро механизми янада такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея энергетика соҳаси мутахассислари, ишбилармон доираларининг қайта тикланувчи энергия манбалари мавзусига бағишланган форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Корея энергетика, технологиялар, баҳолаш ва режалаштириш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

● «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ҳисобот-сайлов конференциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сайланган делегатлар, ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.

● Тошкентда тиббий-ижтимоий патронаж хизматини ривожлантиришга бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди.

● «Йил аёли – 2011» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида шаҳар ва туманларда голибликни қўлга киритган 12 нафар аёл иштирок этди.

● Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Болага эътибор – келажакка эътибор» мавзусида анжуман ўтказилди. Анжуманда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий дастурларнинг ижроси борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди ва бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

● Андижонлик тадбиркор Мусажон Умаров саяҳатлари билан йилга 30 тонна пиллани қайта ишлайдиган «Кумуш тола» корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ушбу лойиҳа банк кредити эвазига амалга оширилиб, хорижнинг илғор технологиялари ўрнатилган корхонада тайёрланаётган маҳсулот маҳаллий тўқимачиларга етказиб берилмоқда.

● Жиззах шаҳридаги «Наврўзбулок» трассасида автопойга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли автопойгачилари голиблик учун ўзаро баҳс олиб борди.

### ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси ва Сербия ўртасида Сербия темир йўллари тармоғини ривожлантиришга 800 миллион долларлик кредит ажратилиши юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

● АҚШ Конгрессида Жэксон-Вэник тузатишини Россияга нисбатан бекор қилиш юзасидан овоз бериш жараёни 2012 йилнинг биринчи ярмида ўтказилади.

● «Москва-Берлин-Париж» йўналиши бўйлаб қатновчи йўловчи поездининг дастлабки қатнови Париж шаҳрига амалга оширилди.

● Олимлар муҳити жиҳатидан ерга ўхшаб кетадиган жонли ҳаёт мавжуд сайёра топилганини таъкидламоқдалар. Айтиш керакки, Gliese 581g деб номланган ушбу экзосайёра ердан тахминан 123 триллион миля узоқликда жойлашган. Astrophysical Journal нашрида чоп этилган тадқиқотларга кўра, ушбу сайёрада суяк сувнинг мавжудлиги айтилмоқда. Аниқланишича, Gliese 581g сайёрасининг вази ердан 3-4 бор оғирроқ, юлдузи атрофида айланиши даври эса 37 ер кунини ташкил этади.

● Футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионатининг расмий тўпи «Tango 12» дея ном олди. «Adidas» компаниясининг ижрочи директори Херберт Хайнернинг фикрича, бу тўп ўтган жаҳон чемпионатида фойдаланилган «Жабулани» тўпларидан энгил ва сифатлироқ, шунингдек, дарвозабонлар учун ҳам қийинчилик туғдирмайди. Бу эса Европа чемпионатининг қизғин ва шиддатли ўтишига катта ёрдам беради. Айтиш керакки, «Adidas» компанияси ушбу янги тўпни яратиш учун жиддий изланишлар олиб борди. Унинг дизайни ва номи оилар мобайнида сир тутиб келинди. Маълумотларга кўра, келажакда «Tango 12»нинг нархи 129,95 евро ни ташкил этар экан.

### ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги янги Қонуни ҳамда «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаларининг тайёрланиши ва уларнинг аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг II ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтади.

✓ **«CAPS f.c.»** масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган фасад профиллари ва ПВХ қопланган панел маҳсулотлари бунёдкорлик ҳамда меъморликда қўл келмоқда.

## «THE SUNDAY INDIAN»:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎРТА ОСИЁНИНГ МАДАНИЙ  
ПОЙТАХТИ БЎЛГАН ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, нашр мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда нафақат халқ тафаккурида ўзликни англаш туйғусини қайта тиклаш, балки хилма-хиллиги ва бетакрорлиги билан доимо ажралиб турувчи миллий санъат ва маданиятнинг тараққиёти, уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши жараёни ҳам юз берганини атрофлича қаламга олган.

«Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиладиган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўзбек миллий мусиқасини тарғиб-ташвиқ этиш ҳамда жаҳон мусиқа санъатидаги сўнгги тамойилларни намойиш қилиш

бўйича муҳим саҳнага айланиб қолдики, бу маданият соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг яққол самараларидан бири ҳисобланади.

Жорий йилда ушбу халқаро мусиқа анжумани саккизинчи мартаба дунёнинг кўплаб мамлакатлари санъат усталарини ўз атрофига тўплади. Унда «Warsi Brothers» ҳинд мусиқа гуруҳи ҳам қатнашди. Ҳинд мусиқачилари ўз санъатлари билан фестивал мўҳлислари эътиборини қозонишгани ҳолда фестивалнинг «Ёрқин ижро» соврини соҳиби бўлишди.

Шу ўринда ўзбек халқининг маънавий мероси, урф-одат ва анъаналари қайта тикланишида «Ўзбекистон маданияти ва санъ-

ати форуми» жамғармаси ролини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистоннинг ноёб анъаналари ва замонавий санъати, бой тарихий мероси ва маданий салоҳиятини дунё миқёсида омалаштириш борасида жамғарма томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Бутун бир мамлакат маданий тараққиётидаги барча жараёнларни биргина мақолада ёритиб бериш ғайриимкон. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Ўрта Осийнинг маданий маркази бўлган ва шундай бўлиб қолажagini бугун қомил ишонч билан баралла айта оламиз», деб ёзади «The Sunday Indian».

«Жаҳон» АА  
Дехли

## Маънавият

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

**Бугунги кунда республикада янги ахборот-кутубхона хизмати кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай хайрли фаолиятни амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибаси қўл келмоқда.**

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ҳукуматларининг келишувига биноан Корея республикаси грантига биноан жиҳозланган илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси ташкил топди. Бу зийе маскани хизматидан китобхонлар мамнун бўлишаётир.

Шунингдек, илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси саъй-ҳаракати билан турли матнли электрон маълумот базаси яратилди.

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ  
ВОСИТАСИДА

Тошкент темирйўл муҳандислари институти ҳузурида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази 100 мингдан ортиқ номдаги 600 мингга яқин китоб фондига эга. Жорий ўқув йилида унинг жамғармаси соҳага оид қўшимча 15 мингга янги адабиёт, газета ва журналлар билан бойитилди.

Марказда автоматлаштириш тартибини амалга ошириш учун «ИРБИС» дастури асосида электрон каталог тузилди.

Китоб жамғармасини электрон адабиётлар билан бойитиб бориш мақсадида эса дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнларининг электрон нусхалари олий ўқув юртининг сайтига ўтказилди.

## МАЪРИФАТ СОАТИ

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ўз филиалларида «Маърифат соати» тадбирларини ўтказиб, бу борада бой тажрибага эга бўлди.**

Навбатдаги «Маърифат соати» филиал бўлими раҳбарлари учун ташкил этилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда сезиларли ўзгаришлар рўй бераётган бир вақтда «Маърифат соати» бўйича ишлаб чиқилган дастур қўл келмоқда.

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК  
ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўз фаолиятини бошлаганига ярим аср бўлди. У дастлаб 1949 йили олий ўқув юртининг филология факультети ҳузурида журналистика бўлими сифатида иш бошлади.

Бу кутлуғ даргоҳда камолга етган кўплаб журналистлар етишиб чиқди. Факультетнинг биринчи қалдирғочлари томонидан босмага тайёрланган нашрларда унинг босиб ўтган йўли қаламга олинган. Доцент Анвар Шомақсудовнинг «Журналист мутахассислар тайёрлаш маскани» деб номланган рисоласи ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Университет таркибида Олий журналистика курси ташкил этилиши айни муддао бўлди. Мазкур курснинг дастлабки қалдирғочлари кўлларида магистрлик гувоҳномасини олдилар. Бугунги кунда факультетда «Матбуот», «Телекўрсатув ва радиоэшиштириш», «Оммавий алоқалар ва реклама» каби ихтисослик кафедраларида машғулотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, сиёсий шарҳ, оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти мутахассислари бўйича магистратура бўлимлари очилди.

Университет негизига ўқув-нашриёт комплекси барпо этилиши эса ўқув-методик адабиётларни нашр этиш учун замин яратди.

## БИЛИМ ВА МАЛАКА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида сайёҳлик таълими бўйича ҳам малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳозир олий ўқув юртининг «Халқаро сайёҳлик» факультетида учта кафедра фаолият кўрсатмоқда. «Сайёҳлик менежменти», «Сайёҳлик сервис» ва «Сайёҳлик маркетинги» кафедраларида бу йил янги ихтисослик бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

МИКРОМОЛИЯЛАШНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда муваффақиятли микромолиялаш калити: маҳсулот диверсификациясини бошқариш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир микромолиялаштириш ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси томонидан БМТ Тараққиёт Дастурининг «Микромолиялаштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ва Германия халқаро ҳамкорлик ташкилотининг «Марказий Осийда микромолиялашни қўллаб-қувватлаш» минтақавий дастури кўмағида Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти банк ва бошқа микромолиялаш ташкилотларининг мутахассислари иштирок этди.

Менежерларнинг микромолиялашда самарали бошқарувни таъминлаш учун зарур бўлган барча жабҳалар, жумладан, кишлоқ хўжалиги, ёшлар ва аёллар фаолиятини молиялаш, уй-жой кредити каби масалаларда малакавий маълумотлар бериш тадбирдан

қўзланган асосий мақсад бўлиб, бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун хорижий соҳа мутахассислари жалб этилди.

«Муваффақиятли микромолиялаш калити» ўқув курси микромолиялаш ташкилотларининг ўрта ва юқори тизим раҳбарлари, микромолиявий маҳсулотлар турини диверсификациялаган ва диверсификация қилишни амалга оширмаган, аммо бу борада йўналиш кўрсатилишига эҳтиёжманд ташкилотлар учун катта ёрдам беради.

Тадбирда жаҳондаги турли микромолиялаш усуллари ва тажрибалари асосида тузилган 700 саҳифадан иборат рус тилидаги китоб ўқувчиларга тақдим этилди. Ушбу китобда менежерлар учун ташкилот фаолиятини яхшилашда ақиндан ёрдам берадиган зарур манба ва усқуналар ҳақида тўлиқ маълумот келтирилган.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»МАҲАЛЛАДА МАЪРИФИЙ  
ТАДБИР

Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат пойдевори» мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди. Тошкент Молия институти профессори, маҳалла фаоли Қамариддин Усмонов Бош Қомусимиз — Конституциянинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида гапириб, келажакимиз ворислари — ёшларни мамлакатимиз Асосий Қонуни пухта ўрганишга даъват этди.

Тадбир якунида маҳалла аҳли томонидан Конституция ҳақида берилган саволларга соҳа мутахассислари батафсил жавоб бердилар.

Йўлдош МАНСУРОВ,  
маҳалла фаоли


Тошкент метрополитенидан фойдаланишни янада яхшилаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

## Транспорт

ҚАТҲИЙ РЕЖА  
АСОСИДА

Ҳар бир электр поездининг маълум бир белгиланган жадвал асосида электрдепога кириб, техника ҳамда тозалаш кўригидан ўтишига масъулият билан ёндашилмоқда. Ана шу жараёнларни тўла амалга ошириш учун деполарда махсус чангютичлар ва ювгичлар, бекатларда эса фаррошлик ишларини бажарувчи техник усқуналар ишлаб турибди.

Анвар ВАЛИЕВ



Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси каби давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган экожурналистика бўйича республика танлови якунланди.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алиханов ва бошқалар экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазатига салбий таъсирини камайтириш, табиатни муҳофазалаш ва унинг бойликлари билан оқилонга фойдаланиш мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатнинг асосий йўналишини ташкил этишини таъкидлади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати олдида қўйилган дастурий мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқариш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Анъанавий экожурналистика бўйича республика танлови ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, журналистларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, мамлакатимиздаги экологик муаммоларнинг ечимини топиш борасидаги илгор тажриба-

ларни омалаштиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу танловга бу йил мамлакатимиздаги газета, журнал, радио, телевидение, интернет нашрларда ижод қилаётган 60 нафардан кўпроқ журналистдан икки юз қирқдан зиёд ижодий иш тушди. Уларда бугунги кунда дунёда, минтақамиз ва мамлакатимиздаги экологик муаммолар, уларни ҳал этиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар самаралари, табиатни муҳофазалаш тадбирларида жамоатчилик иштироки, илм-фан марказларида яратилаётган экологик безарар технологиялар ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш натижалари атрофлича ёритилган.

Танловда миллий ва минтақавий экологик муаммоларни, уларни ҳал этиш йўлидаги илгор тажрибаларни кенг ёритган «Экоҳаёт» газетаси гран-при совриндори бўлди. Шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари, интернет журналистикаси, радио, телевидение ва «Тоғли худудларнинг барқарор ривожланиши» каби номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ва совринлар топширилди.

(ЎЗА)

## Тадбирлар

## ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий ва шаҳар кенгашлари, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Меҳр-муруват» фонднинг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус касб-ҳунар коллежидан хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Шу кун, юздан ортиқ имконияти чекланган ўқувчиларга мутасадди ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан махсус совғалар топширилиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган бағрикенглик сиёсати туфайли, бизнинг жаннатмақом ўлкамизда ҳеч бир фарзанд беъэтибор қолмайди, — дейди Тошкент имконияти чекланганлар учун махсус касб-ҳунар коллежи директори Георгий Филиппидес. — Айниқса, мустақил ҳаётга кириб келган кўплаб йигит-қизларимиз ўз шахсий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйганларида ушбу масканга келиб ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қилган ишлари шу йўл билан юрт равнақига қўшаётган хиссалари ҳақида тўлиқлиниб ўқувчиларга гапириб бе-

ришларида бунинг яққол мисолини кўриш мумкин. Шу каби мисолларни эшитиб, коллежimizда яратилган барча шарт-шароитларни кўриб, тинч-осуда юртимизда барча қаторида тенг ҳуқуқли йигит-қизларимизнинг таълим-тарбия олаётганлигидан беҳад хурсандимиз. Шу ўринда, айтиб ўтиш керакки, ўқувчилар учун бу ерда замонавий спорт заллари, алоҳида хоналар ва ҳунар ўрганишлари учун махсус асбоб-усқуналар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда 510 нафар болажонлар турли йўналишларда билим ва кўникмаларга эга бўлаётлар. Бўлиб ўтган тадбирда кўплаб совғалар улаш билан биргаликда ушбу даргоҳда тахсил олаётган ва Республика эстрада-цирк коллежи ўқувчилари томонидан бир-биридан қизиқarli саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, ўғил-қизларимизни табриклаш мақ-



садида эл суйган хонандалар томонидан янграган куй-қўшиқлар барча иштирокчиларга ўзгача завқ бахш этди.

Дарҳақиқат, Тошкент имконияти чекланган касб-ҳунар коллежи талабаларининг кўрсатилаётган эътибордан келажакка умида ва ишончлари, ҳаётга интилиш ҳисси янада ортиб келди.

Садоқат АСЛАНОВА



Мамлакатимиз банк тизими мустақиллик йилларида қудратли ва ишончли молиявий-сармоявий ҳамкор эканлигини амалда намойи қилиб, айна пайтда миждозларимиз ишончини қозонди. Бинобарин, банк тизими Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жадал ривожланиб келаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда ОАТ «Алоқабанк» ҳам етакчи банклар қаторида аҳолига сифатли ва кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш борасида сезиларли ишларни амалга ошириб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Банк ташкил этилганидан кейинги ўтган йиллар мобайнида катта тажриба тўплади. Айниқса, пухта ўйланган ҳолда юритилган молиявий сиёсат, сифатли менежмент, банк ишининг классик стандартларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни қўллаш ва хизмат кўрсатиш борасидаги инновацион ёндашув миждозларнинг банкка бўлган ишончини доимий тарзда ошириб бормоқда ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, 2011 йил давомида аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида «Миробод» филиали, Қўқон шаҳрида «Қўқон» филиали иш бошлади ва Наманган, Самарқанд шаҳарларидаги филиаллар янги биналарга кўчиб ўтди. Янги очилган филиаллар замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, миждозларга юқори сифатли хизмат кўрсатишга иқтисослаштирилган. Бу эса банкнинг ресурс базасининг янада мустаҳкамлашига ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар қўламининг бундан-да кенгайишига хизмат қилмоқда.

ганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур агентликнинг ҳисоботида таъкидланишича, қайд этилган рейтинг даражаси «... банкнинг капиталлашув даражаси етарлигидан, аҳоли молиявий кўрсаткичлари ва активлар сифати яхшилигидан далолат беради».

«Анбор Рейтинг» банклараро рейтинг компанияси ОАТ «Алоқабанк»ка 2011 йил июнь ойида миллий шкала бўйича кредитга лаёқатлилиқ «uzA+» (Юқори) рейтингини берди. Бу эътироф банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидан, унинг барқарорлигини таъкидлаш лозим. Бу эътироф банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидан, унинг барқарорлигини таъкидлаш лозим. Бу эътироф банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидан, унинг барқарорлигини таъкидлаш лозим.

ОАТ «Алоқабанк» томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш, аҳолининг қўшимча даромад манбаига эга бўлишини таъминловчи омонатлар тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу борадаги кўрсаткичларнинг кескин ўсиши таъминланди. Банк филиалларида аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ишлари янада жадаллаштирилди. Ҳозирда ҳаракатдаги 27 турдаги омонатлардан 26 хили мuddатли ва жамғарма омонатларидир.

нига асосан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, экспортдош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида банк томонидан 2 та банкрот корхона танлов савдоларида «ноль» харид қийматида сотиб олинди, уларга инвестициялар киритилди ва негизда 5 та янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Ушбу корхоналарга 30 миллиард сўмдан ортик инвестиция маблағлари киритилиб, 500 та янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар бериш ва молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 76 фоизга ўсди.

Ушбу кредитлар асосан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва кенгайтириш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратиб келинмоқда. 2011 йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун 4,5 миллиард сўм, микрокредитлар сифатида 17,6 миллиард сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-1047 сонли Қарорига асосан 31 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-1050 сонли Қарори ижроси йўлида 16,5 миллиард сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди.

### Банк тизими ОАТ «АЛОҚАБАНК»: ДОИМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

дан далолатдир. Буларнинг барчаси мазкур молия муассасасининг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланган банкнинг жами активлари 2011 йилнинг 9 ойлик ҳисоботи даврига (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) 35,1 фоизга ва устав капиталининг 30 фоизга ўсиши фикримизни тасдиқлайди.

Олиб борилаётган ишлар натижасида, ҳисобот даврида банк бўйича аҳоли омонатлари қолдигини 41 фоизга ўсиши таъминланди. Кўрсатилган банк хизматларининг сифати ва қўламининг кенгайиши ҳисобига миждозлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга кўпайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ўсиши, макроиқтисодий мутаносиблигини таъминланганлиги, банк активлари ва капиталлашув даражасининг ошиши натижасида юзага келган имкониятлар ҳамда ресурслар базасидан самарали фойдаланиш банк кредит сиёсатини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Банкнинг иқтисодиёт реал сектори тармоқларига ажратилган кредитлари портфели таркиби тўдан ўзгарди.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноярдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4053 сонли Фармо-

Маълумки, замонавий ва қулай тўлов воситаси бўлган пластик карточкалар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бу борада эришилаётган самарали натижаларда банк жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Жорий йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,9 фоизга ошди. Пластик карточкалар бўйича ўтказилган жами транзакцияларнинг умумий суммаси эса 2 мартага орди. Пластик карточкалар ҳисоб рақамларига ўтказилган маблағларни ўтган йилнинг шу даври билан солиштириш диган бўлсак 1,4 мартага ортганини кўриш мумкин. Шунингдек, 9 ойлик натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, банк томонидан ўрнатилган терминалларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,0 фоизга кўпайган.

